

## Таом идишларининг мағфират сўраши



14:00 / 04.02.2019 6241

???? ?????????? ?????????? ?????? ?????????? ?????? ???  
???? ????? ?????? : « ????? ?????????? ??? ?????????? ?  
????? ?????????????? ?????????????????? ?????? ?????????????????? »  
. ?????????? ?????????? ?????????? ??????????  
????????????????????????????? .

Нубайшатул Хойр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**“Кимки бирор идишдан таомланиб, сўнг уни ялаб тозалаб қўйса, идиш уни ҳаққига мағфират сўрайди” дедилар”** (Термизий ривояти).

**Шарҳ:** Идишни тозалаб қўйган инсон ҳаққига дуо қилиши ҳақиқий маънога ҳамл қилинадими ёки ундан мажозий маъно ирода қилинганми?

Тийбий раҳматуллоҳи алайҳ идишни истиғфор айтишидан мурод, овқат егувчини бу амали унинг тавозелиги ва кибрдан холи эканлигига аломат ва бу нарса уни мағфират қилинишига сабаб бўлади. Идиш у инсонни мағфират қилинишига сабаб бўлгани учун, мағфират нисбатии идишга берилиб, идиш унга истиғфор айтади дейилмоқда, деганлар.

Агар идишни истиғфор айтишини ҳақиқий маънога ҳамл қилинса ҳам ҳақиқатдан узоқ бўлмайди. Чунки, Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

**“Осмонлару ердаги барча нарсалар Хожа, Бенуқсон, Азиз, Ҳаким Аллоҳга тасбиҳ айтадир”** (Жума 1 оят).

Бошқа бир оятда эса, шундай дейилади:

**“Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Аллоҳга тасбиҳ айтурлар. Мулк Унга хосдир, мақтов ҳам Унга хосдир ва У барча нарсага қодирдир”** (Тағобун 1 оят).

Саҳиҳи Бухорийда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан қуйидаги ҳадис нақл қилинган:

???? ?????? ?????????? ?????? ?????????? ??????????  
????????????? ?????????? ?????????????? ??????????????????  
????????????????? ?????????? ?????? ?????????? ?????????? ??????????  
????????????? ?????????????? ?????????????????? ??? ?????????? ??????????  
????????????? ?????????????? ?????????????????? ?????????????? ?????? ???????  
????????????????? ?????????????????? ?????????? ?????????? ??????????????

?????????? ?????? ??? ????????????? ?????? ??????

????? ?????? ????????????? ?????????????????

????????????????? ?????? ?????????? ?????????? ??????????

????????????? ?????????????? ?????? ?????????? ?????????????? ??????????

????????? ?????????? ?????????? ?????????????? ??????????????

????????????? ?????????? ?????????????? ?????????????????? ??????????????????

????????? ??????????????

*Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**“Биз муъжизаларни барака деб билар эдик, сизлар эса, уларни таҳдиди деб ҳисоблайсизлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафардалигимизда сув озайди. Шунда у зот: “Сувдан ортиқчасини талаб қилинглар” дедилар. Шунда озгина суви бор идишни келтирдилар. У зот қўлларини идишга киргазиб, сўнг: “Муборак тоҳур (сув)га келинглар. Барака эса, Аллоҳ таолодандир” дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бармоқлари орасидан сув оқиб тушаётганини кўрдим. Биз, ейилаётган таомни тасбиҳ айтганини эшитар эдик”** (Бухорий ривояти).

Саҳоба розияллоҳу анҳумларни ўз қулоқлари билан овқатни тасбиҳ айтаётганини эшитганларида бирор шубҳа бўлмаганидек, овқат идишини овқат егувчи ҳаққиға истиффор айтишида ҳам гумон бўлиши мумкин эмас! Бу ҳақда Румий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар:

“Тупроқ, шамол, сув ва олов бандадир. Улар мен билан сенининг ҳаққингда мурда, Аллоҳ таоло ҳаққида эса тирикдир”.

Шу боис бу каби ҳадислардан ҳақиқий маъно тушунилади. Суютий раҳматуллоҳи алайҳ Ҳофиз Ироқий раҳматуллоҳи алайҳдан қуйидагиларни нақл қилиб келтирганлар:

“Аллоҳ таоло овқат идишига алоҳида имтиёз ва нутқ пайдо қилган. Шу имтиёз ила идиш мағфират сўраб дуо қилади”.

Бошқа бир ривоятда овқат идиши томонидан қилинган қуйидаги дуо нақл қилинган:

?? ??? ? ???? ? ?? ????? ???? ????? ????? ??? : «  
??? ??? ?????? ??????? ????????? ?? ??????? ?????? :  
????? ?????? ?? ?????? ??? ????????? ?? ?? ?????????? ».

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Киши овқат идишини ялаб қўйса, идиш унга истиғфор айтиб:  
“Аллоҳим! Мени шайтон қўлидан озод қилгани каби уни дўзахдан озод қилгин” дейди”** (Жомеул аҳодис).